



НАЖМИДДИН КУБРО ВА АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ МУШТАРАКЛИК

*Эргашева Нилуфар Акрамжон қизи,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек мумтоз адабиётидаги кубравийлик тариқати ва анъаналари, Ўрта Осиё халқларининг ҳаёт тарзи, дунёқараши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, Нажмиддин Кубро ирфоний асарларининг издошлари ва кейинги давр адабиёти вакиллари ижодига таъсири масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Кубро илми, Шайх анъаналари, “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси, вақф, восита, муболага ва бошқалар.

Ўрта Осиё халқларининг ҳаёт тарзи, дунёқараши, маданияти, хусусан, адабиётини ислом дини ҳамда тасаввуф тариқатларисиз тўла тасаввур этиб бўлмайди. Барчамизга маълумки, ўрта асрларда яшаган кўпгина алломалар, адиблар ва ҳатто катта-катта арбоблар ҳам ислом тасаввуфининг турли тариқатларига мансуб бўлганлар. Умуман, Шарқ маънавияти ҳамда руҳиятини дин ва тасаввуф тарихини чуқур англаш ҳамда ўрганишдан бошлаш лозим. Зеро, тасаввуф инсоннинг ўзлигини англаш, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини белгилаш, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, виждон, иймон каби хислатларга эга бўлишнинг ўзига хос бир йўлидир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида асосан суҳбатлар тарзида амалга оширилган ахлоқ, руҳият тарбияси, кейинчалик ҳам саҳобалар, тобейинлар ва барча уммати Муҳаммадия орасида узлуксиз давом этди. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида бу ҳақиқатни шундай изоҳлаган эди: “Ва чун ул Ҳазрат (с.а.в.) анбиёнинг хотими эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди. Ҳар ойинаким, ноқислар такмилига умматининг комилу олимларини номвар эттики, бурунги анбиё ўрнига ихдо қилгайлар ва йўлдин



чиқғонларга йўл кўргузгайларки, “Умматим уламси Бани Исроил пайғамбарлари кабидур”. Ва яна “Уламо пайғамбарлар ворисидирлар” аҳодиси андин хабар берур ва ул Ҳазратдин сўнгра бузругвор асҳоби ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъин халойикқа бу раҳнамоёлиғни бажо келтурдилар ва Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға йўл кўргуздилар ва ул соҳиб давлатлардин сўнгра бу умматнинг машойихи ва авлиёуллоҳ қ. т. а. бу иршодға иштиғол кўргуздилар ва ваъда будурким, олам инқирозиғачаким, миллат ва шариат сийрати мустақим бўлғусидур”¹. Дарҳақиқат, бу таълим жараёни пайғамбарларнинг вориси бўлган уламолар томонидан давом эттирилди. Йиллар ўтиб эса ўзига хос таълим услубига эга тариқатларни пайдо қилди, тизимли таълим мактаблари шаклланди. Мана шундай буюк таълимотлардан бири юртдошимиз Нажмиддин Кубро томонидан асос солинган кубравийлик тариқатидир. Кубравийлик таълимотининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро дунёвий ва диний билимларнинг ниҳоятда кучли билимдони экани унинг таҳсил олган шайхлари номини зикр этиш биланок маълум бўлади². Шайхи Валитарош номини олган Кубро ислом динини фақат эътиқод сифатида эмас, балки кишиларнинг қалби ва онгига таъсир этиб, уларни адолат ва одамийлик йўлига чорловчи маънавий омил сифатида тарғиб этган. Унинг тариқатидаги одобу аркон, ўзликни топиш йўлидаги ўзига хослик нафақат издош халифалари, балки бошқа тариқат вакиллариға ҳам таъсир ўтказган. Мазкур тариқат таъсир доирасининг кенглиги, халқ орасида ҳам маноқибу тазкиралар орқали ёйилиб кетишиға сабаблардан бири тариқат асосчисининг ижодкорлигидир. Унинг тасаввуф асослари сифатида дастур ул-амал бўладиган ирфоний-бадий асарларидан ташқари ҳол баёнлари акс эттирилган манзумалари ҳам борлиги барчаға маълум. Нажмиддин Кубронинг шайх ва шоирлик шахсияти, кубравийлик тариқати таъсирларини фақат издош

¹ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. –Т.: Фан, 2001, – Б.14.

² Бу ҳақда қаранг: Туркиялик куброшунос олим Сулаймон Улудогънинг “Нажмиддин Кубро” монографиясида, тасаввуфшунослар Абдулкарим Шаръий Жузжонийнинг “Тасаввуф ва инсон” китобида, Нажмиддин Кубронинг “Тасаввуфий ҳаёт” номли уч рисоласини жамлаган китобидаги Иброҳим Ҳаққуловнинг “Шайхлар ва шаҳидлар Куброси” номли сўзбошисида, ўзбекистонлик куброшунос олималар Азиза Бектошеванинг “Нажмиддин Кубро” китобида, Замира Исҳоқованинг “Нажмиддин Кубро” рисоласида шайхнинг таҳсил даврлари, устозлари, илм излаб юртма-юрт кезган ҳаёт йўли батафсил ёритилган.



халифалардан эмас, балки аксар адабиёт намуналаридан излаш мақсадга мувофиқдир. Муридлар иродат хирқасини биргина шайхдан олсалар-да, бир неча шайхларнинг тарбият қанотида вояга етганлари маълум. Шунингдек, ижодкорлар, жумладан, мутасаввиф шоирлар барча тариқат вакилларининг ижодидан баҳраманд бўлишган ва ўз навбатида уларнинг фикр-қарашлари, ғоя-мақсадлари, образ яратиш маҳоратидан таъсирланган ва ўзлаштирганлар. Мана шундай ижодкорлардан бири, ўзбек миллатининг улуғ шоири Алишер Навоийдир.

“Алишер Навоий ўзигача яратилган барча таълимотлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлган ва уларнинг баёнида мўътадил йўлни танлаган. Унинг асарларида мутакаллимларга хос ортодоксаллик ҳам, вужудийлар таълимотига хос хурфикрлилик ҳам ўз аксини топган. Шундай экан, унинг асарлари таҳлили ва талқинида унинг дунёқарашида синтезлашган турли диний-фалсафий таълимотлар инъикосини ҳисобга олмоқ мақсадга мувофиқдир.

Алишер Навоий ижоди ўзигача яратилган барча диний ғоялар, буюк фалсафалар, уларнинг форсий ва туркий шеърятда акс этган талқинларини ўзида мужассам этган бўлиб, уларни янгича ҳассослик билан қайта тақдим этади. Унинг дoston ва ғазалларида акс этган илмий-бадиий, диний-фалсафий тафаккури шу қадар кенгки, баъзи байтлар шарҳи ўқувчидан ниҳоятда кенг билимларга эга бўлишини тақозо этади”³.

Ш.Сирожиддиновнинг ушбу фикрлари ўринли. Шоир ижодини ўрганиш учун фақатгина нақшбандийлик тариқатини билиш камлик қилади. Унинг асарларини таҳлил қилиш учун Ўрта Осиё тасаввуф тариқатларининг барчасидан хабардор бўлиш керак. Навоий нақшбандийлик тариқати силсиласига мансуб бўлса-да, бошқа тариқат ижодкорлари, айниқса, яссавийлик ва кубравийлик тариқати вакилларининг ижодидидан хабардор

³ Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ижодида диний эътиқод масаласи. “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари, – Навоий: 2017 йил 11 февраль.



бўлган. Унинг асарларидаги Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубро шахсияти, уларнинг энг нозик кашфу кароматларини ҳам ҳурмат билан қайта-қайта тилга олиниши фикримизнинг исботидир. Султонмурод Олимнинг “Нақшбанд ва Навоий” китобидаги “Не-не пирлар муриди” тадқиқотида Навоий ижодининг нозик қирраларини очиб берувчи шундай қимматли фикр келтирилади: “Фаридиддин Атторнинг зоҳир юзидан пирлари Мажидиддин Бағдодий эди. Мажидиддин Бағдодий эса хоразмлик машҳур суфий ва шоир шайх Нажмиддин Кубронинг муриди эди. Фаридиддин Аттор, биламизки, Навоий болалигида ёд олгани – “Мантиқ ут-тайр” достонининг муаллифи. Навоий умрининг охирларида ана шу “Мантиқ ут-тайр” жавобида “Лисон ут-тайр” достонини битди. Шубҳа йўқки, Фаридиддин Аттор ўзининг фалсафий-тасаввуфий достонида буюк юртдошимиз Нажмиддин Кубро асослаган кубравийлик тариқати ғояларини тарғиб этди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Навоийнинг ижод олами. – Т.: Фан, 2001. – 244 б.
2. Ойбек. Адабий-танқидий мақолалар. МАТ. XIII том. – Т.: Фан, 1979. – 512 б.
3. Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Т.: Фан, 1992. – 89 б.
4. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.
5. Османов Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии IX-X вв. – М.: Наука, 1974. – 272 с.
6. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – 344с.
7. Поэзия и проза Древнего Востока. Сборник. – М.: Художественная литература, 1973. – 735 с.
8. Жамолинг менга бас. Шайх Нажмиддин Кубро. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 24.
9. Муҳаммадниёз Нишотий. Ҳусн ва Дил. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967. – 375 б.
10. Нажмиддин Кубро. “Фақирлик ҳақида рисола” (арабчадан М. Махмуд таржимаси) // // Тафаккур ж. – Т., 1995. № 3- 4. – Б. 67-71.



11. Нисорий Ҳасанхожа. Музакири аҳбоб. – Т.: Халқ мероси, 1993. – 421 б.
12. Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 240 б.
13. Очилов Э. Муборак сарчашмалар. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 88 б.
14. Паҳлавон Маҳмуд. Ишқ ёғдуси. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 96 б